



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Вилоят Ҳаёти

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ДЎКОНИМИЗДА ҲАММА НАРСА БОР

Истиклол қишлоғидаги "Марказий" маҳалласининг чекка ҳудудида янги савдо дўкони ишга тушди.

Дўконда қандолат, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда рўзғорда ишлатилган барча буюмлар бор. Янги дўкон иш бош-

лаши билан икки киши ишли бўлди, қолаверса, қишлоқ аҳолисининг узоққа қатнашига ҳожат қолмади.

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Вилоят "Нуроний" жамғармаси тумандаги қурилиш ва сервис касб-хунар коллежида маданий-маърифий тадбир ўтказди.

Тадбирда диний экстремизм, терроризм каби иллатларнинг олдини олиш, Ватанимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш ва унинг қадрига етиш хусусида сўз борди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими ҳамда туман маданият уйи хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Бундай учрашувлар вилоятимизнинг барча туманларида бўлиб ўтмоқда.

ИЛГОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Дўстобод шаҳарчасининг йигирмадан зиёд уй бекалари кўнгилли равишда "Саид Эркин", "Исроил" фермер хўжалиқлари аъзоларига йилнинг энг яхши қўшқаторчи қўшақчилари таъминлаш мақсадида кўнгилочар тадбирлар уюштирилди.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ҲАМДА ҲАҚИСОНИЙ ҲАМКОРЛИК

Тумандаги тадбиркорлик ва иқтисодиёт, уй-жой коммунал хўжалик ва қурилиш, ўрмон хўжалиги ва сервис, туризм ва ҳизмат кўрсатиш касб-хунар коллежларида ёш йигит-қизларни катта ҳаётга тайёрлашга қаратилган дарахубати ташкил этилди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, диний идоралар вакиллари, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этишди.

Тадбирда ёшларга тиббий кўрикнинг фойдали жиҳатлари, эрта турмуш қурилиши, айнакса, қариндошлар ўртасидаги кўнрақларнинг оқибатлари хусусида тушунча берилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атиривчи жавоб олдилар.

Ирода МАКСУД қизи.

МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ ОЛДИДАН

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 31-модда)

Истиклол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланиб, юрдошларимиз мукддас ислом динининг барча арканлари, жумладан, Ҳаж зиёратини эмин-эркин, қаноат ва шукроналик билан адо этаётди.

Ортимиздан Ҳаж ва Умра ибодатлари бораётган зиёратчиларимиз сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Ватандошларимиз бу улғу ибодатларини эсон-омон ва қулай адо этишлари учун давлатимиз томонидан барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда Ҳаж сафарига борувчи фуқаролар билан бўлиб ўтган учрашувлар шулар хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифини бажарувчи О. Юсупов, Ўзбекистон муассулони идораси раиси ўринбосари А. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Н. Бахтиёр ва бошқар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, маърифий ислом гоғларини ривожлантириш, диний бағрикенгликни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилган таъкидлади.

Жорий йилда беш минг нафарга яқин юрдошимизнинг Ҳаж зиёратига бориши кўзда тутилмоқда. Улар

учун қулай шарт-шароит яратиш, зиёратчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон муассулони идораси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ташкилотлар томонидан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан фуқароларимизга хизмат кўрсатиш ишлари мувофиқлаштириб борилаётди.

Учрашулда халқимизнинг бой миллий қадрият ва анъаналари, саховат каби инсонпарварлик туйғулари ҳоқларимиз тисолида янада кенгроқ намоён бўлишига ҳам эътибор қаратилди. Ҳаж зиёратидан қайтганларнинг маҳалла-қўйдаги ахил-иноқликка, тинчлик-тотувликка катта ҳисса қўшиши, барча хайрли ишларда ўрнак бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Учрашулда Ҳаж ибодатларини тўлатиш адо этиш, бу борадаги тартиб-қоидалар, анъана ва рўқналар, шунингдек, сафар талаблари хусусида тушунириш берилди. Мутахассислар томонидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Анвар САМАДОВ,
УЗА мухбири.

ПАХТА - 2011



Яқин ўртада туман пахтакорлари бундай ютуққа эришмаган эдилар. Сув танқислиги бирмунча кучли бўлган бу йилги шароитда пешқадамлар қаторидан жой олиш, айнакса, қувончлидир. Бундай муваффақиятга қандай эришилди?

Бу, аввало чигитни қўшқаторлаб екишнинг шароити десак муболага бўлмайди. Аввалги йилларда туманда чигит 90 сантиметрли схема бўйича екиб келинган. Бу йил эса пахта учун ажратилган 5901 гектар майдоннинг 2513 гектарига қўшқаторлаб, 3388 гектарига эса, эгарт оралгини 60 сантиметр қилиб чигит қадалди. Шу билан бар вақтда тумандаги барча селкалар қўшқатор ва 60 сантиметр оралқидagi гўзаларга ишлов беришга мослаштирилиб, қайта соналди.

Банк-молия академиясида "Бошқарув ахборот тизими ва иқтисодий таҳлил" мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Республика Марказий банки, Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон банкилари ассоциацияси

БАНК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фондининг бош эксперти Герберт Мартинс томонидан олиб борилган семинар қатнашчиларга катта қизиқиш уйғотиш барибариди. Соҳага оид билим кўникмасини янада ошириш имконини берди.

Президентимизнинг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор

Йўналишлари тўғрисида" ги Қарори молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини оширишнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Маъмур йўналишларидан бири шундан иборатки, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўллашга ларга халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банклар, умуман банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чи-

ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА АМАЛИЁТ УЙЎНЛИГИ

Сўнгги йилларда юртимизда кўз микрожарроҳлигининг жадал тараққий этиши натижасида илгарилари давоси топилмаган кўпжа хасталикларнинг даволаш имконияти юзага келди. Республикада кўз микрожарроҳлиги соҳасида иқтисодлашган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг шакллантирилиши ва мунтазам тақомиллаштирилиши, шунингдек, хусусий тиббиёт тармоғини ривожлантириш учун яратилган шароитлар жаҳон тиббиётининг илғор услуб ва воситаларини чуқур ўзлаштириш, даволаш жараёнида ундан самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда. Илм-фан ва тиббиётнинг бундай ютуқлари натижасида кератопластика, катарактани даволаш, сунъий гавҳар имплантацияси, витреоретинал жарроҳлик каби оператив даволаш усуллари кенг қўлланилмоқда.

Мамлакатимиздаги йирик илм-фан ва тиббиёт марказларидан бири - Республика ихтисослаштирилган кўз микрожарроҳлиги марказида ҳар йили катаракт билан хасталанган икки ярим минг беморда юксак технологияларга асос-

ҚЎШҚАТОРДА ҚЎШ БАРАКА

Юқори Чирчиқ туманида пахта майдонининг қарийб ярмига чигит қўшқаторлаб екилгани муваффақият келтирди

Туман фермер хўжалиқлари бу мавсум давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартнома мажбуриятларини вилоятда иккинчи бўлиб бажарди. Қабул пунктларига шартномадаги 15 минг 342 тонна ўрнига 15 минг 400 тонна юқори навли хом ашё етказиб берилди.



Йиғим-терим бутун вилоятда бўлганидек, бригада ва отряд усулида олиб борилди. 18 та бригадада бириктирилган 172 отряд термини ҳар жихатдан назорат қилиб борди. Ўз ихтиёри билан теримга чиққан маҳаллий бўш аҳолига унумли ишлаши учун зарур шароитлар яратиб берилди. Терган пахталарининг ҳақи эса, ҳар беш кунда нақд тўлаб берилди.

"Кавсар замин омад", "Шоҳжаҳон Шаҳризода", "Жаҳонгир Музаффар Жаҳонхир", "Пардабой Одилов", "Исмагулов Саидқарим

каби фермер хўжалиқлари туманининг умумий хирмони-га баракали ҳисса қўшди. "Дониёрбек Диёрбек", "Сулаймонов Бахтиёр" каби хўжалиқлар ҳар гектаридан 34-35 центнердан ҳосил олди. Яна ўнлаб фермер хўжалиқлари шартнома мажбуриятларини биринчи теримдаёқ ортинги билан бажаришга эришди.

Шартнома мажбурияти адо этилган бўлсада, туман далаларида иккинчи терим қизгин давом эттириляпти. Теримни назорат қилиш бригад ва отрядлари берган маълумотга қараганда туман яна қамийда 1800 тонна ҳосил топириш имкониятига эга.

СУРАТААРАДА: "Кавсар замин омад" фермер хўжалиғи иш бошқарувчиси Зиёмуҳаммад Қолимов; ММТП раиси Акбар Машаққов ва "Тоғнаҳмад" фермер хўжалиғи раҳбари Давлат Тоғнаҳмадов; "Кенжабоев Солиҳон" фермер хўжалиғи раҳбари Шоир Ҳамидов ва ишчи Жаҳонгир Мирзоалимов.

Даврон АҲМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг илк бакалаврлари ва магистрларига халқаро тоифадаги дипломлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Маҳмуд Каримов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Таълим тизимидаги ислохотлар жараёнида халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган қарорига асосан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ушбу йўналишдаги ишларнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида тадбиркорлик ва менежмент, бизнес ва маркетинг, банк иши ва молия, бизнес соҳасида замонавий ахборот технологиялари, бухгалтерия ва молия, саноат менежменти, туризм ва меҳмонхона хизмати йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ерда академик жараён Сингапур менежментни ривожлантириш институти (СМРИ) томонидан ташкил этилган. Битирувчиларга Сингапур менежментни ривожлантириш институти дипломи ва ҳамкор университети дипломи топширилди. Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги қўшқаторлаб екиш шартномадаги илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган аввал ҳам талабалар ихтиёрида. Бу ердаги спорт мажмуаси очик ва епиқ заллари, мини-футбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлаклари, сузиш ҳавзасини ўз ичига олган. Буларнинг барчаси ешларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига хизмат қилаётди.

Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда инглиз тилидан таълим бераётган ўқитувчилар малакасини оширишга ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Бу ерда юртимиздаги кўпжа академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун инглиз тили курслари ташкил этилган. Институтида, шунингдек, соҳага оид турли илмий-амалий анжуманлар, видео-конференциялар, ўқув семинарлари, байрам дастурларини ташкил этиш анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг илк битирувчиси бўлиш - шараф, - дейди банк иши ва молия факультети бакалаври Ботир Қўбилев. - Биз, ешларнинг замон талаблари асосида таълим олиб, етук мутахассислар бўлиб етиштиришимиз йўлида кўрсатилётган бундай улкан ғамхўрлик ва эътиборга жавобан Ватанимизнинг иқтисодий тараққиётига ҳам ўз хиссасини қўшиш - бурчимиз.

УЗА.

ПАХТА - 2011

Чжан СЯО:

ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИНING НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА



Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар узоқ тарих ва мустақкам асосларга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин давлатларимиз раҳбарларининг улкан эътибори ва ташаббуслари самарасида жадал ривожланмоқда. Барча соҳаларда изчил давом этаётган ҳамкорлик мамлакатларимизнинг барқарорлик ва тараққиётга эришиш борасидаги манфаатларига тўла мосдир.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - УзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Чжан СЯО билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон бутун дунёда пахтасининг юқори сифати ва нисбатан арзонлиги билан донг таратган, - дейди Чжан Сяо. - Ўзбек пахтаси ўзининг юксак сифати ва мўл-кўлиги билан жаҳон мамлакатлари мутахассисларининг эътиборини торта келади. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи ўринда ва уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туриши бунинг далилидир. Бугун дунёда Ўзбекистон пахта-сидан тикилган кийим, тайёрланган бошқа маҳсулотлар кўриб бормаган жойининг ўзи йўқ.

Пахта етиштириш ва ундан кўндан-кўп маҳсулотлар тайёрлаш Ўзбекистон кишлоқ хўжалигини, умуман, иқтисодийотини изчил ва барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, пахтачилик санаятнинг илмий ривожлантириш, пахтага мустақил ишлаш бериш қувватини, ва экспорт рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Ўзбекистонда пахта етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис хоризий харидорларнинг ўзбек пахтасини сотиб олишга қизи-

қиши тобора ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов юритаётган оқилона сиёсат ва меҳнаткаш ўзбек халқининг доимий саяёҳаракатлари самарасида мамлакатимизнинг пахтачилик санаяти бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверишига ва бу омил давлатнинг иқтисодий қудратининг янада мустақамлашишига улкан хисса қўшишига ишонаман.

Яқин кунларда мамлакатимизда ўтажак VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг аҳамияти ҳақидаги фикринингизни билмоқчи эдик.

Анъанвий Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси нафақат юқори сифатли ўзбек пахтасини дунёга намойиш этиш, балки ярмарка иштирокчиларига илгор технологиялар борасида таъриб ва фикр алмашиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда уни янада кенгайтириш учун беқиёс имкониятлар яратаяпти.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Мазкур ярмарка самарасида Ўзбекистон шу вақтга қадар пахта етказиб бериш бўйича кўп қарорлар имзолади. Ушбу анжуманнинг муваффақиятли ўтказилиши жаҳон бозорини Ўзбекистоннинг пахта савдоси ҳақида ва ўзбек пахтасининг нуфузи янада орттиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик алоқалари тобора мустақам-

ланмоқда. VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳам улкан муваффақият билан ўтишига, катта ижтимоий-иқтисодий самаралар беришига ишончим комил.

Ушбу ярмаркада хитойлик ишбилармонларнинг иштироки ҳақида сўзлаб берсангиз?

Ўзбекистон Хитойнинг пахта савдоси бўйича энг асосий ҳамкорларидан биридир. Эеро, Хитой ўзбек пахтасининг энг йирик харидорларидан. Шу боис Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида мамлакатимиз корхоналаридан вакиллар мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқда. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Утган йилги ярмаркада Хитойдан йиғирмага яқин савдо компанияси ва пахта йиғирини корхонаси Ўзбекистон билан пахта харид қилиш бўйича шартномалар имзолади. Маълумотларга кўра, 2009-2010 йилларда Хитой Ўзбекистондан 250 минг тонна пахта таласи импорт қилган.

Жорий йилнинг саккиз ойида Хитой мамлакатингиздан 94 минг тонна пахта сотиб олди. Жумладан, Хитойнинг йирик "Инь Лун" компанияси биринчи ярим йилликда 90 минг тонна ўзбек пахтасини импорт қилди ва июлда яна 20 минг тонна пахта хариди бўйича шартнома имзолади.

Мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигимиз изчил тараққиёт этишига ишонаман.

УзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.



ҚИРДА ҚИРҚ ЦЕНТНЕР

Номидан ҳам кўриниб турибдики, Пискент туманидаги "Олтин қир неъмат" фермер хўжалигининг ерлари қир-адирлик. Бундай майдонларда пахтадан эл қатори ҳосил олиш мушкул. Айниқса, гўзани текис сўғориш, керагида сувга қондириш ман-ман деган таърибда деҳқонни ҳам қийнаб боради. Бундай ерларда сув насосларисиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди.

Лекин, фермер Раҳматилла Соипов бу ишни эплади. Парваришни ҳам, вақтида сўғоришни ҳам ўрнига қўйди. Натижанда ҳосилдорлик кутилганидан салкам икки баравар юқори бўлди.

Кир ерлар бўлгани учун шартнома мажбуриятида ҳосилдорлик 20,5 цент-

нер қилиб белгиланган эди, - дейди Раҳматилла Соипов. - Қабул пунктларига 180 тонна пахта топширишимиз керак эди. Биз биринчи теримнинг ўзиданоқ 259,3 тонна юқори навли хом ашё топширдик. Ҳосил-

дорлик 31,6 центнерданга тўғри келди. Ҳосил обдон бўлиб берса, иккинчи терим ҳам биринчи теримдан қолишмас экан. Хўжалик аъзоларининг кунлик иш унуми 200 килограммдан тўшмас экан. Масалан, чевар теримчи Раҳима Ҳуринбоева 4 кунда ўртача 220 килограммдан териб, 85 минг сўм ҳақ олди.

Иккинчи терим давом этаётган шу кунларда Раҳматилла Соипов умумий ҳосилдорлик 40 центнерга етишига умид боғламоқда.

СУРАТДА: фермер Раҳматилла Соипов хўжалик аъзолари билан.

Ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда Ўзбекистон Таъбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Урта Чирчиқ туман кенгаши теримчиларини рағбатлантиришга эътиборни кучайтирмоқда.

Биз "Маърифат" Ҳосил Барно" фермер хўжалигида теримчилар учун маданий-маънавий таъбир ташкил этилди, - дейди туман партия кенгаши раиси Мансур Юсупов. - Депутатлар, мановитчиларини чиқишлари уларага маъқул бўлмоқда. Илгор теримчиларини рағбатлантирариз.



СУРАТДА: партиянинг Халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Кароматхон Расулова илгор теримчиларга совға-салом топширяпти. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

СОҒЛОМ ОНА - СОҒЛОМ БОЛА

ОИЛА ВА САЛОМАТЛИК

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги "Ёш аёллар, оила ва саломатлик" бўлимининг асосий мақсади йигит-қизлар ва ёш оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдан иборат. Бугун оила куриш бўсағасида турган кўп қабил ёшлар бу марказга мурожаат этишмоқда. "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш", "Оила куриш сирлари", "Бўлажак келин-куёвларга маслаҳатлар", "Ниқодан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти", "Соғлом она - соғлом бола" ва бошқа мавзулардаги давра суҳбатлари ҳамда тадбирлар ёшларда катта қизиқиш уйғотапти.

Йигит ва қизлар, оила курувчи ёшлар ўз саломатлигига бефарқлиги, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ бугунги кунда энг долзарб муаммага айланди, - дейди марказ раҳбари, тиббиёт ходими С. Қасимжонова. - Мажрӯҳ фарзандларни дунёга келтириш оилаларнинг ажралиб кетишига сабаб бўлмоқда. Биз бу борада вилоят хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари, Скрининг маркази, "Оила" илмий-амалий маркази, "Соғлом авлод учун" хайрия жағғармаси, ФУДЭ, "Камолот" ЕИҲ, "Маҳалла" жағғармаси билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

мақсадида барча шахар ва туманлардаги касб-хунар коллежларида "Гибевандлик аср вабоси", "Оила ва қонун", воёга етмаганлар орасида жиноятчилик ҳамда ОИВ-ОИТС касаллигининг олдини олиш масалаларига бағишлаб семинар ўтказилди.

Барча таълим муассасаларида, маҳаллаларда ҳафтанинг жума куни "Саломатлик куни" деб эълон қилинган. Шу куни спорт, ободонлаштириш, чекиш, гибевандлик, ОИВ-ОИТС каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ташкил этилаётди. "Соғлом отадан - соғлом фарзанд", "Соғлом оила курамыз", "Соғлом оила асослари", "Оила маънавияти", "Жисмоний тарбия - саломатлик гарови" мавзуларида кўланма, кўрсатма ва плакатлар чоп этиб, тарғибот ишларида улардан кенг фойдаланилмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугун дунёнинг кўп қисми тараққиёт этган мамлакатлари қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш орқали табиий ёқилги ресурсларини тежаш ва табиат мусавволигини сақлаш чораларини изламоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган семинарда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда Европада таъбиркорлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган таъбиркор депутатлар, тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, корхона ва ташкилотлар мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.

захираларни тежаш, чиқиндиларни қамайтириш имконини бермоқда. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Эко-энергия" илмий-таъбиркор маркази ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган уюшма муқобил ёқилги ва энергия манбаларидан фойдаланиш мусаввоқлаштириш ҳамда корхоналарда чиқиндисиз технологияларни жорий этишни ривожлантириш бўйича иш олиб бормоқда.

Семинарда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси раиси ўринбосари А. Файзиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида табиий бойликларни тежаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига экологик соф технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган дастур ва лойиҳаларда белгиланган вазифалар, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар самарасида атроф-муҳитга салбий таъсирларни қамайтиришга эришилмоқда.

Муқобил энергиядан фойдаланиш ишларини ривожлантириш "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси фаолиятининг ҳам асосини ташкил этади. Компания мавжуд гидроэлектр станцияларининг ишлаш самардорлигини ошириш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларида кишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа иншоотларга қуёш ва шамол коллекторларини ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар табиий газни тежаш, муқобил энергиядан фойдаланишни ривожлантириш ҳамда энергетика таъминотини яхшилаш имконини берапти.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг кўп қисми турларини жорий этиш имконияти мавжуд. Юртимизда илмий тадқиқот муассасаларимизда яратилган қуёш, шамол, биогаз ва бошқа табиий ресурслар асосида ишлайдиган замонавий қурилмалардан самарали фойдаланилмоқда. Бундай қурилмалар марказлашган электр таъминотида узоқда жойлашган аҳолининг электр ва иссиқлик манбаи билан таъминлаш, табиий

Семинарда мамлакатимиз ёқилги-энергетика балансига қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳуқуқий меъёрий асосларини янада тақомиллаштиришга доир маърузалар тингланди. Баҳор ХИДИРОВА, УзА мухбири.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Бутунжаҳон яшаш жойлари муҳофазаси кунига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тадбир ташкилотчилари — республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат биоазорати, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, "CHINOR ENK" экологик-нашриёт компанияси маърузалари тингланди. Маърузачилар муҳофаза қилинаётган худудлар табиий мувозанатни таъминлашда муҳим ўрин тутганини, улар турғун экологик ўқоқлар ва инсон учун зарур шaroитлар яратувчи табиий экотизимлар эканлигини алоҳида таъкидлашди. Янги авлодлар учун қулай шарoитларни таъминлашга йўналтирилган узоқни кўлави экологик сиёсат табиий муҳофаза қилинаётган худудларни кенгайтириш ва

янгиларини яратишда яхши самара берапти. Ижобий ишлардан яна бири Куйи Амударё давлат биосфера резерватини яратишдан иборат. Биосфера резервати қўриқхоналар ва биуртмаҳоналар вазифини бажарувчи муҳофаза қилинаётган табиий худудлар тоифасига кирди. У ўз фаолияти билан биологик хилма-хилликни ва хўжалик субъектларини ҳамда фуқаролар манфаатларини келиб чиқиб, ушбу худудлардан барқарор фойдаланишни таъминлайди. Ушбу ёндашув Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ҳисобланади, истиқболли амалий ишларда ўз асосини топган.

Умида ФАЗЛИДИНОВА.

СОЛИҚ ТИЗИМИ

ТЕРМИНАЛЛАР УЗЛУКСИЗ ИШЛАЯПТИМИ?

Бугунги кунда пластик карточка энг ишончли ва қулай тўлов воситаларидан бирига айланган улгурди. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг бу борадаги фармон ва қарорлари мазкур тўлов турининг кенг оммалашшига пухта замин яратди.

Худудимиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг салкам 500 тасига тўлов терминаллари ўрнатилди, - дейди Ангреш шаҳар давлат солиқ инспекцияси шўба бошлиғи Анвар Мўминов. - Бу аҳолига намунали хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда. Аммо шунга қарамай, белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, турғун савдо шохобчаларида мунтазам назорат ҳам олиб борилмоқда. Шунингдек, жойларда тўлов терминалларининг

узлуқсиз ишлаши юзасидан "Ишонч телефони" ҳам ташкил этилган. Улар орқали фуқаролардан б та мурожаат қабул қилиб олиниб, қисқа муддатда ўрганиб чиқилди ва аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарларига белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Мавжуд камчиликлар эса шу жойнинг ўзида бартараф этилиб, терминаллар узлуқсиз ишлаши таъминланди. Уз мухбиримиз.

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

ОҚСОҚОЛНИНГ ХАЙРЛИ ТАШВИШЛАРИ

Жонкуярлик бўлмаса, фидойилик ва ташаббус кўрсатилмаса, равнақ, юксалиш ҳам бўлмайди. Куйи Чирчиқ туманидаги "Бирлик" маҳалласи таърибаси бунга ёрқин мисол.

Маҳалламиздаги 504 хонадонда 2 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, - дейди меҳнат фахрийси Содиқ ота Рўзमतов. - Аъзамжон Рустамов оқсоқолликка сайланди-ю, ишлар юришиб кетди. Асло тиниб-тинчимади, қачон кўрсангиз, бир ташвиш билан юрган бўлади.

Оқсоқолнинг ташаббуси билан катта хашар уюштирилиб, кўприк қурилди. Кам таъминланган бир оила яшаб турган уй пугурдан кетган эди, биргаликда таъмирланди. Музофотда 12 та фермер хўжалиги бор. Улар ҳам "қўл қоқиб" юборишди. Бир - ёғоч-тахта, бири - бўёқ, бошқаси - миҳ дендек, таъмирлаш учун керакли ашёларни етказиб бериб туришди. Фарзандларини ўйлаган ота-она борки, хашарга чиқиб,

қаровсиз қолган биналарни таъмирлашди. - Хуллас, бугун богча ҳовлисида болаларнинг қувноқ кулгулари эшитилиб қолди, - дейди оқсоқол мамнун бўлиб. - Ҳозирча 22 ўғил-қизимиз тарбияланапти.

Кўп ўтмай, оқсоқол янги режани амалга ошириш ҳаракатида тушиб қолди. Энди у "Янги ҳаёт" даги 28-умумтаълим мактаби учун ўйингоҳ қуриш масаласида туман ҳокимлиги, бошқа идораларга қатнай бошлади. Яна кишлоқ фермерлари эшигини қоқиб борди. Охири мақсадида эришди. Ўйингоҳ қурилди, керакли анжонлар билан жиҳозланди. Энди бу ерда эртаю кеч болаларнинг қўйқирчилари янграб турибди. Кишлоқнинг ёшу кексаси спортчи фарзандларининг ҳар бир ютуғини қувватлаб, олқишлашга ҳамиса ҳозир.

Оқсоқол эса, бугун бошқа юмушлар ташвишида елиб-юғуриб юрибди. Хозирги энг асосий вазифа -

пахтани тезроқ териб олиш. Шу боис Аъзамжон Рустамов ҳар тонг хонадонларни орайлади, уй-рўзгордан бўшроқ одамларни далага чорлайди. - Бугун биз фермерларимизга ёрдам берсак, эртаю улар кишлоқни ободонлаштиришга қўмақлашади, - дейди оқсоқол. - Аргамчиға қил ҳам қувват дейдилар, ахир.

"Бирлик" маҳалласи меҳнат фахрийлари, эрқаю аёллари оқсоқол даъватига "лаббай" деб жавоб беришяпти. Ҳозиргача улар фермер хўжаликлари хирмонига 70 тонна хисса қўшишди.

Кеча оқсоқол Аъзамжон Рустамовни катта йўл бўйида учратди. "Ўзбекистон беш йиллиги" кишлоқ фуқаролар йиғинига кетаяпман, - деди. - Йўлларимиз пугурдан кетиб борапти, бир сидра таъмирлаб олма-сак бўлмай қолди".

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



«ZiyoNet»ДА ЯНГИ РУКН

Халқ таълими вазириликнинг ташаббуси билан ташкил этилган "ZiyoNet" жамоат таълим-ахборот тармоғида "Мақтабгача таълим" номи янги руқия яратилди. Вазирлик мутахассислари ва Республика Ташхис маркази, Таълим маркази ташаббуси билан яратилган бу руқияда мақтабгача таълим муассасаларида тарбияланувчи болажонларнинг узоқлари ва ота-оналари учун керакли маълумотлар базаси жамланган.

"Мақтабгача таълим" руқининг афзаллик томони шундаки, унинг ёрдамида богча тарбиячилари болага индивидуал ёндашиш, унда идрок этиш қобилиятини кучайтириш, иқтидорини ўстириш, қизиқарли ўйинлар асосида ўғил-қизларни маълум касб-хунарга қизиқтиришни орттиришга

ёрдам беради. Ўқитувчилар порталдаги янги педтехнологиялар, ўқув қўланмалар, таълим янгиликларини ўқиб, дарсларини мультимедиа воситалари ёрдамида ўтишади. Шунингдек, бу тармоқда ота-оналар учун фарзандларнинг саводини ошириш, тўғри тарбия қилиш, бирор предмет-

га меҳрини уйғотиш бўйича аниқ тавсиялар берилган.

Таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда ўқитувчиларни ягона виртуал тармоққа бириктириш мақсадида "ZiyoNET" тармоғининг "Мақтабгача таълим" руқинида ёш богча тарбиячилари учун махсус кўрик-танлов ташкил этилган. Унда ҳар бир иждоқор ва ташаббускор педагог фаолияти давомида орттирилган иш таърибаси ва яратган янги педтехнологиялари билан иштирок этиши мумкин.

"Туркистон-пресс".

ЖИ ВАС ДУНЁ

СУВ БЕТИДА ЎТТИЗ ТОННА НЕФТЬ

Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, сув ичидаги қояга ўтириб қолган "Рена" контейнеровози бортидаги нефтнинг бир қисми сувга оқиб, Янги Зеландия қирғоқларига етиб боради.



Нефть излари энг машҳур пляжлардан бирида кўзга ташланиб қолди. The Daily Telegraphнинг аниқлик киритишича, Тауран порт шаҳри ва унинг атрофида яшовчи аҳолига сувга яқин бормаслик тавсия этилди. Чунки, қирғоқда юқори захарловчи модда тарқалган. Шимоли-Шарқдан эсаётган шамол сув бетига нефтни Янги Зеландия томон ҳайдамоқда. Шамол экин вақт ичида кучайиши мумкин. Associated Pressнинг маълум қилишича, денгиз бўртанаси ақинлашаётгани



АЁЛ НОМЗОД БЎЛАДИМИ ЁКИ ЭРКАК?

Франция президентлигига Социалистик партиядан номзод иккинчи тур овоз беришдан сўнг аниқлиниши маълум қилди Reuters агентлиги.

Биринчи тур овоз беришда қатнашган олти мутахассисдан беришаси 50 фоиздан ортқ овоз ололмади. Улар орасида жамоатчилик фикри сўровида етакчи ўринни олган, илгари шу партиянинг бошқарган Франсуа Олланд ва партиянинг ҳозирги етакчиси Мартин Обри ҳам бор эдилар. Энди иккинчи турда айнан шулар номзодлик мандати учун курашадилар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, биринчи турда Олланд 39, Обри 31 фоиз овоз олишган. Иккинчи тур овоз бериш 16 октябрь куни бўлиб ўтади. Экспертлар айнан шу тур голиби президент курси учун курашда етакчи бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар. Негаки, Франциянинг ҳозирги президенти Никола Саркози халқ ўртасида машҳурлик рейтингини бўйича мавқеини Олландга бой берапти.

Президент сайловини 2012 йил апрелда ўтказиш белгиланган. Агар Олланд ёки Обри голиб чиқса, мамлакат кейинги 17 йилдан сўнг социалист-президентга эга бўлади. Социалистларнинг мавқеи кейинги йилларда анча мустаҳкамланди.

НИГОҲ

АФҒОН ГЕРОИНИГА ОҚ ЙЎЛ!

Бугун уюшган жиноятчилик, жумладан, гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчиларга қарши кураш дастурлари, тури стратегиялар ишлаб чиқилаёпти гўё. Бироқ, токи наркотрафика қонунни муҳофаза қилувчиларнинг ўзлари яширинча рухсат бериб қўйган кенг қўламадаги сано-

ат ишлаб чиқаришига эга бўлар экан, бу масалада ҳеч қачон тартиб ўрнатилмайди. Милиция, прокуратура ва вазиликдаги олғирлар ҳалдларидан охиб кетиши. Қани энди буларнинг жиноий фаолиятига бир йўла чек қўйилган ўша афсун ўқилган кумуш ўқни қилириб топа оланг.

Онглик ва соф инсоний омил бу масалада ожиз. Ҳад-сиз-ҳисобсиз бойлик орттириш имкониятлари шундай жиноий бизнесга ҳирс қўйган кимсаларни халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун меъёрларини четга суриб қўйиб, охири аянчи бўлган хатти-ҳаракатларга ундайди.



Ҳозир оилаларнинг кўпи гиёҳвандлик моддаларига у ёки бу даражада алоқадор. Кимнингдир ўгли гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланаёпти. Кимнингдир акаси меъеридан ортқ героин қабул қилиб, ажалдан бурун вафот этаёпти. Соғлигини бой берган, ҳаёти қисмат-қошига айланган эркак ва аёллар қанча? Уларнинг айб-сиз болалари-чи? Ҳаммасидан дахшатлиси шунки, гиёҳвандлик балосидан ўсмир ва ёшлар азият чекаяптилар. Ота-она учун бундан-да, оғир синов борми? Бундай ноҳус дақиқаларда Сўғд вилояти Матчо туманида гиёҳвандлик синдикатига бошчилик қилаётган акои Исроил сингари инсонларни жуда ёмон қўриб кетасан киши. Айтишадикки, у гиёҳвандлик моддаларининг Россияга транзитини усталик билан йўлга қўйган.

Акои Исроил ўзининг жиноятларини яширишга уринаётгани ҳам йўқ. Негаки, жазоланмаслигини яқин билди. Нега ҳам қўрқсин, унинг сероқим бизнесига Тожикистон қишлоқ хўжа-

лик вазири К. Қосимовнинг жияни – Фирдавс ёрдам бериб турибди-ку, ахир Бу икки "хамкор бизнесчи"нинг ҳам ишталарлари қарнай. Чунончи, акои Исроил шу йил январь ойида 40 килограммга яқин героинни Фирдавснинг ёрдамида Москвага жўнатишга эришди. Эътибор беринг – ажал уругини ДАН ходимлари кузатиб боришди! Нахотки, олижаноб туйгулар бу тоифа қишларга мутлақо бегона бўлса? Бу оммавий бало ўзларига қайтиб келиши, ўз давлати, ўз халқига катта зарар етказиши ҳақида нахотки, ўйлаб ҳам кўрмасалар? Улар ўз мамлакатлари ва ўзга юртларга тарқатаётган гиёҳвандлик моддалари охири-охирига ўз фарзандларига ҳам чирмовуқдек ёпишиши мумкинлигини нахотки, ту-

ЯПОНИЯ ҚИРҒОҚЛАРИДА ЯНА ЕР СИЛКИНДИ

Япониянинг шарқий қирғоқлари яқинда 5,5 магнитуда куч билан яна зилзила юз берди. Reuters агентлиги NHK телеканалига таяниб шу ҳақда хабар тарқатди.

Агентликнинг маълум қилишича, ер силкиниши мамлакат пойтахти Токиода ҳам сезилган. Бироқ жабрланганлар ёки зарар кўрилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу галги ер силкиниши "Фукусима-1" АЭСдаги ядро реакторига шикаст етказмади. Эслатиб ўтаемиз: шу йил баҳорда Япониянинг шимолида 9 магнитуда кучга эга зилзила бўлиб, кетидан 10 метр баландликда цунами содир бўлган эди. Натижада 22 минг киши қурбон бўлган ва бедарак йўқолган. Ўша дахшатли табиий офат "Фукусима-1" АЭСда авария келтириб чиқарган эди. Унинг оқибатларини бартараф этишга ханузгача эришилгани йўқ.



ФИЛИППИНДА БИР ЙЎЛА ИККИ ТЎФОН

AFP агентлиги маҳаллий ҳукуматнинг баёнотасига таяниб, Филиппинда яқинда хуруж қилган иккита тўфон қурбонлари 100 кишидан ошганини маълум қилди.

"Несат" тўфони 82 филиппинлик фуқаронинг, ордан беш кун ўтиб юз берган "Налгае" тўфони яна 19 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Кўпчилик сув тошқинлари қурбони бўлишди. Қолганлари узилган электр симлари орқали ток уриб, шунингдек, кулаган бинолар остида қолиб, ҳалок бўлишди. 27 киши бедарак йўқолди. Шу боис ҳукумат қурбонлар сонни ортиб боришини кутаяпти. Бундан ташқари, сув тошқинлари туфайли ўн минглаб одамлар бошпанасиз қолди. Лозон оролининг 67 минг аҳолиси эвакуация марказларида турибди. Оролдаги барча экин-тикинлар сув остида қолди. Филиппин раҳбарлари жабрланган аҳолига ёрдам бериш дастурини ишлаб чиқмоқда. Умуман, Филиппинликлар йилига йигирмага яқин тўфонларни бошдан кечирадилар, уларнинг аксарияти одамлар ҳаётига зомин бўлади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«AFROSIYOV» НИНГ ДОИМИЙ ҚАТНОВИ БОШЛАНДИ

Тошкент – Самарқанд – Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyov" электр поезди мунтазам қатнамоқда.

Мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизими инфраструктурасини ривожлантириш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли "Afrosiyov" электр поездлари қатнови йўлга қўйилиши соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг амалдаги яна бир самарасидир.

Узбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишича, "Afrosiyov" электр поезди ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари қатновини амалга оширади. Эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, кейинчалик қатновлар сони яна кўпайтирилади. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун Тошкент ва Самарқанд темир йўл вокзалларида замон талабларига мос хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш тизими яратилди. Электрон чипталарнинг жорий этилгани вагонларга чиқаришда йўловчилар учун қўлай ва вақтини тежаш имконини беради.



УзА.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ НАМОЙИШИ

2011 йилнинг 23-28 октябрь кунлари VI Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналесини бўлиб ўтади

"Art Week Style.uz 2011" санъат ҳафталиги доирасидаги ўшбу тадбир Узбекистон Бадий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирилик, "Узбекистон маданияти ва санъати форуми" жағармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилади.

Мамлакатимизда мусавирликнинг ўзига хос аънава ва мактаблари, тараққиёт бошчилиги ва йўналишлари, соҳада қўлга киритилган ютуқ ва янгиликлар, замонавий жараёнлар билан санъат муҳлисларини таништиришга оид муҳкам тизим яратилган. Узбекистон Бадий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирилик, "Узбекистон маданияти ва санъати форуми" жағармаси бу жараёнга муносиб ҳисса қўшапти.

Тошкентда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган аънававий халқаро бадий кўргазма – биеннале ўзининг нуфузи ва қамровининг кенглиги билан жаҳон миқёсда катта эътибор ва эътирофга сазовор бўлаётир. Истиклолимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда олтинчи Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналесининг ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно муҳим. Негаки ўшбу йирик халқаро санъат кўргазмасига айнан мустақиллик йилларида асос солинди.

Санъат илҳомландирини юртимиз ва дунёдаги бадий жараёнлар, янгиликлардан хабардор этиш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва таъриба алмашиши, моҳир мусавирларнинг маҳорат сабоқларидан ёшлар баҳраманд бўлиши учун имконият яратиш Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналесининг асосий мақсадидир.

Санъатшуносларнинг фикрича, Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналесини мусавирларимизнинг истиқлол йилларида яратган энг сара асарларини, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш билан бирга хорижий мамлакатларнинг юқори ижодий-интеллектуал салоҳиятли, моҳир рассомларини ўзига жалб этади. Кўргазма учун танланган асарлар томошабин маънавиятини бойитишга, улар қалби ва онгига эзгу гоҳларни синдиришга хизмат қилади.

Жорий йилда маъзур кўргазмадан юртимиз рассомлари билан бирга АКШ, Австралия, Афғонистон, Буюк Британия, Германия, Испания, Индонезия, Польша, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Украина, Озарбайжон, Қозғистон сингари йигирмадан зиёд давлатлар моҳир мўйқалам соҳибларининг асарлари ўрин олади. Жумладан, Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залидаги бадий кўргазма, Узбекистон Давлат санъат музейидаги "Кўза – фазовий тафаккурнинг шакли сифатида", Узбекистон Амалий санъат музейидаги "Ўзбек матолари: график ва ретромодерн графикаси" мавзусидаги ижодий лойиҳалар юртимиз тасвирини ва амалий санъатини намойиш этади. Айни пайтда Ёшлар ижод саройи, Узбекистон Тасвирий санъат галереясида ўтказилувчи "Фаберже олами", "Отто Диксга хос қийди услуб" сингари бир қатор жиддий қарли лойиҳалар жаҳон мусавирлари ижоди ҳақида ҳисоб қилади.

Халқаро кўргазма доирасидаги илмий анжуманлар, маҳорат сабоқлари, санъат ва маданият саройларидаги экскурсиялар, концертлар, ижодий учрашув ва мулоқотлар тадбирига янада ёрқинлик ва ранг-баранглик бахш этади. Биеннале тадбирлари қўқна ва ҳамшира навқирон Самарқанд шаҳрида ҳам бўлиб ўтиши хорижий ижодкорларга юртимиз тарихи, мезморчилик ва шаҳарсозлик маданияти, маънавияти, бебаҳо мероси, истиқлол йилларида турли жаҳаларда эришилган ютуқлар, тинч ва фаровон ҳаётимиз ҳақида янада кенгроқ тасаввур беради.

Назокат УСМОНОВА, УзА муҳбири.

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 1. Хўжалик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 01.04.2009 йилдаги 11-0924/913-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Дўстлик ҚФЙ, Янги ҳаёт кўрғонда жойлашган, "Оҳангарон Армон Агро" МЧЖга тегишли, умумий майдони 67987.19 кв.м дан иборат бўлган "Чорвачилик комплексининг бино ва иншоотлари", умумий майдони 210.04 кв.м., "Икки қаватли маъшиш хизмат уйининг бино ва иншоотлари", умумий майдони 253.05 кв.м., "Икки қаватли ётоқхонанинг бино ва иншоотлари", умумий майдони 4064.90 кв.м., "Марказий таъмирлаш устандасининг бино ва иншоотлари", умумий майдони 503.13 кв.м., "Бир қаватли офиснинг бино ва иншоотлари", умумий майдони 1180.80 кв.м., "Контора ва клубнинг бино ва иншоотлар" дан иборат бўлган кўчмас мулклар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 227 774 755.80 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Маъзур кўчмас мулклар билан суд ижрочилири иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ўшбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИКБ Сағбон Ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Корақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Лицензия: RR-0001.

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!


Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 1. Хўжалик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 24.08.2011 йилдаги 22818/7-сонли, 15.08.2011 йилдаги 1128/16461-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Навбахор ҚФЙ, Кақша қишлоғида жойлашган, "Қишлоқхўжалиқимб" Янгийўл туманларо филиалига тегишли, 1980 йилда қурилган, Қурилиш майдони 7,29 кв.м га тенг, бино-иншоот пардози оддий таъмирталаб, бинонинг том қисмидаги шиферлари таъмирталаб оморхона, ҳовуз, оморхонадан иборат бўлган кўчмас мулклар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 16 430 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Маъзур кўчмас мулклар билан суд ижрочилири иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ўшбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки"нинг ОАИКБ Сағбон Ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Корақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Лицензия: RR-0001.



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-14, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

"BIG STAR TRADE" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ҳамда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини олади.

Чилонзор туманида рўйхатга олинган "DUCO-DEC" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301218478) ТУГАТИЛАДИ. Маълумот учун тел.: (+99893) 587-55-55.

Шайхонтоҳур ТЭТ назоратчиси Нурмухамедов Абдуқошар Мавлянович томонидан йўқотилган "Ипотeka банк" меҳнат филиалига тегишли Ф 430 0402005 шакл бланка 0105796 дан 0105800 гача 5 дона патта йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный гувоҳнома (реестр. № 003434-08), выданный инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского района г. Ташкента от 11.12.2007 г. на ООО "SAMO-MALIKA". СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан Мўминова Дилором Аббасходжаевна номига 2002 йилда В № 098050 рақам билан берилган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный диплом ДТ № 842671, выданный в 1982 году Ташкентским городским медицинским училищем им. Боровского на имя Усмановой Муясар Таджибаевны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

